



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Митиллаев Иброхимжон Турсунпўлатович

*Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти “Бухгалтерия ҳисоби ва банк иши”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада банк молиявий ресурсларини самарали бошқаришда кредит портфелини юритишнинг ўрни, тижорат банклари кредит портфелининг ҳолати уларнинг активлар ликвидлигига таъсири кўриб чиқилган. Тадқиқот материал ва методларига кўра мавзу юзасидан бир қатор хорижий ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодчи-олимлари томонидан берилган таърифлар ҳамда фикрлари ўрганилиб, муаллиф томонидан шарҳланиб уларнинг мазмуни очиб берилган. Шунингдек мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда, тижорат банкларида активларни бошқаришга қаратилган чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш борасида таклиф ва амалий тавсиялар берилган.*

Таянч сўзлар: *тижорат банки, актив, мажбурият, кредит, капитал, молиявий ресурсларни бошқариш, молиявий ресурс, банк активлари, рақамли активлар, ликвидлик, кредит портфели, қимматли қозғошлар.*

Тижорат банкларида муаммоли активларни қисқартиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари

Бозор иқтисодиёти шароитида таҳлиллар ва ўрганишлар натижасида шуниси аниқ бўлдики иқтисодиётда муаммоли активларнинг вужудга келиши табиий ҳолат чунки иқтисодий жараёнлар қайсидир жараёнда узилади, қайсидир жараёнда тўхтаб қолади ва бунга сабаб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий оқибатлар таъсир этиши мумкин. Тижорат банклари бажараётган кўплаб операцияларда риск мавжуд, бу эса маълум маънода ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Бу жараёнга кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассислар ўз фикрларини билдириб ўтишган. Буларни биз атрофлича ўрганиб чиқдик ва тегишли хулосаларни шакллантирдик. Диссертация ишимизнинг айнан биринчи бобида Ўзбекистонда ҳам вужудга келаётган муаммоли активларни умуман айтганда вужудга келаётган муаммоли кредитлар хорижда бу НПЛ (Non Performing Loans) дейилади, буларни вужудга келиш сабаблари, бошқариш ва банк активлари сифатини таснифлаш орқали баҳолаш ҳамда улар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш, қоплаш тартиби ва қоплаш меёрлари барчаси Ўзбекистон Республикасининг ташкилий ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади. Юқоридагиларни асос қилган ҳолда Диссертациямизнинг мазкур парагрифида айнан мамлакатимиз тижорат банкларида вужудга келаётган муаммоли активларни қисқартиришдаги



муаммолар ва уларни ечимларини ўрганиб чиқамиз, уларга қандай омиллар таъсир қиляпти, қандай омиллар асосида муаммоли активлар вужудга келяпти, бу табиий жараёнми ёки обектив, субектив омиллар таъсир ўтказмоқдами бу жараёнларни Диссертациямизнинг мазкур параграфида ўрганиб чиқамиз

Жаҳонда ва Мамлакатимиз банк тизими активлари таркибида ҳам берилган кредитлар улуши юқорилиги сабаб кўплаб хорижий ва маҳаллий олимларни муаммоли активларни муаммоли кредитлар билан боғлайди. Берилган кредитлар риск юқори бўлгани сабабидан уларни муаммоли кредитга айланиш эҳтимоли ҳам юқори. Бунга эса банклар томонидан берилаётган кредитларни етарли даражада таҳлил қилмасдан, уни ўрганмасдан, гаровга қўйилган объектни жойига бориб ўрганмасдан ҳамда мижозни кредитга лаёқатлилигини таҳлил этмасдан кредитлар бериш жараёни сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Банкларга Базель кўмитаси томонидан берилган тавсия характериға эға бўлган муаммоли кредит бўйича мижоз томонидан ўз вақтида тўланмаган қарзлар, яъни 90 кундан ортиқ тўловнинг кечикиши мавжуд бўлганда банклар томонидан мижозни ёзма равишда огоҳлантириш, хар бир кечиктирилган кун учун жарима ва пенялар хисобланиши ҳақида огоҳлантириши лозим. Тўловчининг тўлов қобилияти пасайиши натижасида активнинг қадрсизланиши мавжудлиги; муддати ўтган кунлар сонидан қатъи назар, асосий қарзни ва унга тўланадиган фоизни тўлиқ тўлашнинг иложи йўқлиги тўғрисида далиллар мавжудлигида таснифлайди¹.

Жаҳон амалиётида муаммоли кредит ва харакатсиз кредитлар бир хил маънони англатади. Қарздор банкрот деб эълон қилиш бўйича ариза берган ҳолларға ўхшаш янада жиддий сабаблар мавжуд бўлган активлар².

Ишламайдиган кредитларни (NPLs - Non-Performing Loans) ўрганиш муҳим аҳамиятға эға эканлигини, чунки улар банклар кредит портфелининг сифатини акс эттиради ва умуман мамлакатдаги банк сектори кредит портфелининг сифатини акс эттирини қайд этади³. Ишламайдиган кредитлар даражасиға таъсир этувчи омилларни тушуниш банкларнинг рискларни бошқариш функцияси ва банк барқарорлиги учун масъул бўлган банк фаолиятини назорат қилувчи органлар учун жуда муҳимдир.

Питер Роузнинг фикрича, «Қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалға оширмаганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумиға ўтишини англатади»⁴.

¹ Basel Committee on Banking Supervision (2016) “Guidelines Prudential treatment of problem assets – definitions of non-performing exposures and forbearance”, 1-41.

² The Treatment of Nonperforming loans. International Monetary Fund. Prepared by Adriaan M. Bloem and Russel Freeman. Issue Paper Prepared for the July 2005. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/bop/2005/05-29.pdf>. Issue Paper, 1-15.

³ Ozili, P. K. (2019), “Non-Performing Loans and Financial Development: New Evidence”, Journal of Risk Finance, February 2019, 1-35.

⁴Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997, 192-6.



Ўзбекистонда ушбу ҳолатга яқин бўлган ҳолатни кўришимиз мумкин, яъни муаммоли активлар (кредитлар) «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз»⁵ деб таснифланган активлар ҳисобланади.

Ушбу ҳолатлар муаммоли кредитлар тавсифи кредит бўйича асосий қарз ва фоизнинг ўз вақтида тўланмаганда, мижоз молиявий ҳолатининг ёмонлашгани, кредит шартларининг ўзгариши ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Ҳ.Отамуродов «Муаммоли кредитларни камайтиришни кредит портфелни бошқариш билан боғлайди»⁶. Бунда асосий эътибор кредит сифатининг ёмонлашиши кредит сиёсати ва кредит портфели билан боғлиқлиги кўрилади.

У.Тухтабаев ва Б.А.Мақсудов «Муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмасликнинг оқибати бўлиб ҳисобланади»⁷. Олимлар бу фикри билан берилган кредитларни риск даражасини амалда содир бўлиши банк активларини сифатини ёмонлашувига яққол таъсир ўтказишини назарда тутди.

Ё.Абдуллаев ва Т.Қоралиев «Муаммоли кредитларни муддати ўтган, фойда келтирмаётган кредитлар»⁸ сифатида қарайди. Фикримизча олимлар томонидан берилган бу фикрга сифати умидсиз деб таснифланган кредитларни мисол қиламиз, лекин керакли чора тадбирларни амалга ошириш билан банклар муаммоли кредитларни соғломлаштириб уларни даромад келтирадиган активларга айлантириш мумкинлиги эътибордан четда қолдирилган.

Ш.Абдуллаева «Банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олдиндан чоралар кўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкинлигини ва улар рискларни минимал даражага етказишга тўсиқ бўлишини»⁹ қайд этади.

Фикримизча, олима ўз қарашларида тижорат банклари берилган кредитлари ва кредит портфели устидан доимий равишда тезкор ва сифатли мониторингни олиб боришлари зарур деб ҳисоблайди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 2696-сонли низом. 2015 йил 14 июль

⁶ Otamurodov, H.H. (2018) “Current basis of management of the bank credit portfolio in Uzbekistan” International Journal of Economics, Commerce and Management, Vol. VI, Issue 12, 169-179.

⁷ Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. Автореферати. – Т.: 2008. – 24 б.

В. А. Maqsudov 08.00.07 – “Moliya, pul muomalasi va kredit” ixtisosligi bo‘yicha “Tijorat banklarining muammoli aktivlarini qisqartirish yo‘llari” mavzusidagi iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun Avtoreferati-T 2013-22 b

⁸ Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет.

⁹ Ш.З.Абдуллаева. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. 304 б.



Хорижлик олимлардан Л.Дудинец «муаммоли банк активларини уларнинг қайтишига шубҳа туғдирадиган ёки уларни жойлаштириш ёхуд ишлатишдан иктисодий фойда олмаслик эҳтимоли бўлган банк активлари»¹⁰ сифатида қарайди.

Фикримизча, банк кредитлари рисқи юқори бўлган операциялар бўлгани учун муаммоли активга айланиш эҳтимоли бор, бироқ банклар бу берилаётган кредитларни хужжатларини тўғри расмийлаштириш ва мижозни тўловга лаёқатлилигига тўғри баҳо бериш орқали бу рискларни минималлаштиришлари мумкин.

Мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга, яъни банк маблағларининг айланишига, банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ижро этишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Муаммоли кредитлардан йўқотишлар кредитнинг қайтиши ва фоизларнинг тўланмаслиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган зарарлардагина намоён бўлмайди.

Муаммоли активлар таркибида ва умуман банк активлари таркибида кредитларнинг улуши юқори бўлганлиги сабабли муаммоли кредитларга эътибор юқори. Муаммоли кредитлар учун ажратиладиган заҳиралар тижорат банкларининг харажатларини ортишига ва даромадларини қисқаришига олиб келади. Қуйидаги жадвалда мамлакатимиз банк тизимининг муаммоли кредитлар учун ажратган заҳираларини кўриб чиқамиз.

Ижадвал

Тижорат банклари кредит портфелининг таснифланиши ҳамда яратилган заҳиралар¹¹ ҳолати

Кредитлар таснифланиши	01.01.2018 й.		01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		01.01.2021 й.		01.01.2022 й.	
	жам и кредитлар рдаги и улуши	яратилган захира р улуши	жами кредитлар рдаги и улуши	яратилган захира р улуши	жами кредитлар рдаги и улуши	яратилган захира р улуши	жам и кредитлар рдаги и улуши	яратилган захира р улуши	жам и кредитлар рдаги и улуши	яратилган захира р улуши
	фоиз да	фоиз да	фоиз да	фоиз да	фоиз да	фоиз да	фоиз да	фоиз да	фоиз да	фоиз да
Стандарт	90,6	15,3	92,1	13,6	91,8	13,6	89,8	13,2	87,4	12,5
Субстандарт	8,2	55,3	6,6	54,6	6,6	54,6	6,8	53,1	7,4	54,6

¹⁰ Дудинец Л.А. Теоретические подходы к определению сущности проблемных активов банка. Экономика и банки, (2), 28-35. <http://ojs.polessu.by/EB/article/view/398>

¹¹ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди



Қоник арсиз	0,7	6,7	0,7	7,4	0,7	7,4	0,9	7,2	1,9	7,0
Шубха ли	0,2	9,1	0,3	7,5	0,3	7,5	0,4	7,3	1,5	7,1
Умидс из	0,3	13,6	0,3	16,9	0,6	16,9	0,8	19,2	1,8	18,8
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки 2018 йилда тижорат банклари муаммоли кредитлари учун ажратилган заҳиралари ичида энг кўп улушни 55.3 фоиз субстандарт деб таснифланган кредитлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 2022 йилга келиб 54.6 фоизга камайган бўлиб, бунинг сабаби сифатида эса умидсиз деб таснифланган кредитлар улуши кескин ортганлигини кўришимиз мумкин. Умидсиз деб таснифланган кредитлар бўйича ажратилган заҳиралар 2018 йилда жами заҳираларнинг 13.6 фоизини ташкил қилган бўлиб, 2022 йилга келиб эса 18.8 фоизга етган. Умидсиз кредитлар учун ажратилган заҳираларнинг ортишида банклар томонидан ажратилган таъминотсиз кредитлар ҳажми ортганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ри Фармони.
2. Basel Committee on Banking Supervision. (2021). Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring. Switzerland: Bank for International Settlements
3. Азрилияна А. Большой экономический словарь. М.: Институт новой экономики, 1999. - 852 с.
4. Б.Б.Бабаев “Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования”. Диис. На соиск уч. ст. к.э.н.-Т.: БФА.,2002.
5. Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев ва У.Ортиков. « Банк ресурслари ва уларни бошқариш» Тошкнт. Иктисод-Молия, 2009йил. Б-48-49.
6. Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида //Ўзбекистон кишлок хўжалиги. –Тошкент, 2000. -№4. –Б.12-14.; Симановский А.Ю. Достаточность банковского капитала //Деньги и кредит. –Москва, 2000. -№6. –С. 20-23.; Косован К.С. Управление ресурсами в коммерческом банке //Деньги и кредит. – Москва, 2001. -№6. –С.32-36.; Мурычев А.В. О путях укрепления ресурсной базы российских коммерческих банков //Деньги и кредит. –Москва, 2003. –№11.–С.48-52.; Наврузов А. Пути повышения эффективности использования ресурсной базы



коммерческих банков //Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2002. -№ 9-10.– С.10-12.; Розукулов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат на соиск. учен. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002. -21 с. ва ҳоказо.

7. Банковская дело. Под редакции О.И. Лаврушина М.Фин. и статистика. 1998. с.68.

8. Абдуллаева Ш. Пул ва банклар. –Т.; 2010.

9. Омонов А.А Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 2010 йил, 43 бет.

10. Избосаров Б.Б. Рақамли иқтисодиётда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2019, ТМИ, 30 б.

11. Basel Committee on Banking Supervision: Basel III: The Liquidity Coverage Ratio and liquidity risk monitoring tools, January 2013, p. 2.

12. Эгамова М.Э. Тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг роли. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2019, ТМИ, 30 б.

13. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2017, ТМИ, 26 б.

14. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2017, ТМИ, 12 б.

15. Омонов А.А. Банклар ва банкларда ҳисоб. –Т.: «Akademiya». 2006. Ўқув кўлланма, 1-нашри. (122) 92 бет.

16. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илм. даража. олиш учун баж. диссертацияси. –Т.: 2008, БМА, 21-22 б.

17. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илм. даража. олиш учун баж. дис. авт. –Т.: 2008, БМА, 36 б.

18. Ортиков Уйгун Давлатович Ташкент Молия институти Замонавий шароитда тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш зарурлиги ва унинг банк фаолиятида тутган ўрни мақола 3 бет.

19. Постановления Президента Республики Узбекистан от 12 сентября 2017 года № ПП-3270 «О мерах по дальнейшему развитию и повышению устойчивости банковской системы Республики».

20. Дробозина Л.А. “Финансы. Денежное обращение. Кредит.» М.:ЮНИТИ, 2011 й. 329 б.



21. The official website of the Basel Committee of the Basel III: international regulatory framework for banks <https://www.bis.org/BCBS/>

22. Батракова Л.Г. “Анализ процентной политики коммерческого банка”, Москва “Логос”, 2012. – С. 39.

23. Абдуллаева С. «Кредит и практика кредитования».-Т.: Экономика и финансы, -Б. 225-228. 2017г.

24. Тухтабаев У.А. Проблемные кредиты и пути их устранения. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Т, 2006 г.

25. Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт Петербург Оркестр”, 2013. – С. 93-95. 8. Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. – М.: Инфра-М, 2010. – С. 432.